

3. Крылатков П.П., Прилуцкаялар М.А. Управление цепью поставок. Учебное пособие. Екатеринбург-2018, 3 с.
4. Трифунтов А.Н., Маргунова В.И. Управления цепями поставок: учеб. пособие Минск : Вышэйшая школа, 2018, 5 с.
5. May M. Supply Chain Management in agriculture – including economics aspects like responsibility and transparency. Article. Spain-2002, P-15.
6. Толипова Б. Covid-19 пандемия шароитида озиқ-овқат саноати учун инвестициянинг зарурати (Ўзбекистон мисолида). Мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнал. № 2, март-апрел, 2020 йил, 86-Б.
7. Мухитдинов Ш.З. (2019) Пути совершенствования механизмов эффективного управления многопрофильными фермерскими хозяйствами в Узбекистане. In Формирование инновационной экономики будущего (pp. 54-58).

И.К. Жўраев, илмий раҳбар Н.М. Махмудов
Наманган муҳандисликтехнология институти
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Наманган, Ўзбекистон
ilhomjonjurayev@mail.ru

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВТРИКОТАЖ САНОАТИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада тўқимачилик ва тикувтрикотаж тармоқларида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек, тўқимачилик ва тикувтрикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш масалалари кўрилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноати, ишлаб чиқариш қуввати, рақобатбардошлик, инвестиция, экспорт, экспорт салоҳияти, тўқимачилик маҳсулотлари.

И.К. Жўраев, научный руководитель Н.М. Махмудов
Наманганский инженерно-технологический институт
Ташкентский государственный экономический университет
Наманган, Узбекистан
ilhomjonjurayev@mail.ru

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА ТЕКСТИЛЬНО-ТРИКОТАЖНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Аннотация. В статье рассматриваются текущие реформы и структурные изменения в текстильной и швейной промышленности, а также вопросы повышения экспортного потенциала за счет эффективного использования производственных мощностей в текстильной и швейной промышленности.

Ключевые слова: текстильная и швейная промышленность, производственные мощности, конкурентоспособность, инвестиция, экспорт, экспортный потенциал, текстильная продукция.

I. Juraev, supervisor N.Makhmudov

Namangan Institute of Engineering and Technology

Tashkent State University of Economics

Namangan, Uzbekistan

ilhomjonjurayev@mail.ru

ISSUES OF INCREASING THE EXPORT CAPACITY OF THE TEXTILE AND KNITTING INDUSTRY

Abstract. The article discusses current reforms and structural changes in the textile and clothing industry, as well as issues of increasing the country's export potential through the efficient use of production capacities in the textile and clothing industry.

Keywords: textile and clothing industry, production capacity, competitiveness, investment, export, export potential, textile products.

Жаҳон ҳўжалиги алоқаларининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий муҳитга кириши, авваламбор миллий иқтисодиётни ишлаб чиқаришнинг интернационалашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ҳамда хомашё ва тайёр маҳсулотлар бозоридаги трансконтинентал рақобат шароитларига мослашувини талаб этади. “Жаҳон товар айланмасининг 5,2 фоизини, саноат маҳсулотлари экспортининг 6,1 фоизини тўқимачилик саноати маҳсулотлари ташкил этади” [2].

Бугунги кунда тўқимачилик ва тикувтрикотаж тармоғининг экспорт фаолиятида бир қатор макро ва микроиқтисодий даражадаги муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, хусусан, Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш арафасида турган шароитда республикада замонавий тўқимачилик ва тикувтрикотаж ишлаб чиқаришини иқтисодий ривожлантиришнинг концепциясини шакллантириш ҳамда экспорт имкониятларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини барпо этиш бўйича

назарий методологик тавсиялар ва амалий таклифлар мажмуасини ишлаб чиқишни талаб этади.

“Республикада ишлаб чиқариладиган пахта ипкаваларнинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобига 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 7 млрд. АҚШ долларга етказиш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Шу сабабли Республика тўқимачилик ва тикувтрикотаж корхоналарининг халқаро бозорлардаги экспорт фаолияти самарадорлигин оширишга фаол таъсир этувчи омилларнинг илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши ғоят долзарб масаладир.

Бу соҳада маълум даражада тажриба тўпланганига қарамай, соҳанинг иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи, тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатини ривожлантиришнинг стратегияси, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатининг экспорт потенциалини баҳолаш ва тўқимачилик ва тикувтрикотаж корхонасининг рақобатбардошлик даражасини ҳисоблаш, ишлаб чиқариш потенциалларидан самарали фойдаланиш масалалари етарли даражада ёритилмаган.

“Корхонанинг иқтисодий потенциалли” тушунчасининг асосий таърифларини кўриб чиқамиз ва уларни жадвал кўринишида тақдим этамиз (1-жадвал).

Жадвалда келтирилган таърифларга асосланиб, “корхонанинг экспорт потенциалли” (КЭП) тушунчаси бўйича қуйидаги ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ресурсга йўналтирилган ёндашув (КЭП омиллар ва ресурслар мажмуи сифатида).

2. Функционал йўналтирилган ёндашув (КЭП корхона фаолиятини ташқи бозорда таъминловчи, иқтисодий потенциалнинг динамик таркибий қисми сифатида).

3. Рақобатбардош ёндашув (КЭП рақобатбардош масулотлар ишлаб чиқариш йўли билан ташқи бозордаги имкониятларини аниқлаш ва рақобатдаги устунликлардан фойдаланиш қобилияти сифатида).

4. Даромадга йўналтирилган ёндашув (КЭП ташқи бозорда максимал даромад олишни таъминлаш (фойдали сотиш) қобилияти сифатида).

5. Ривожланишга йўналтирилган ёндашув (КЭП жаҳон бозорида ривожланиш қобилияти сифатида).

“Корхонанинг иқтисодий потенциали” (КИП) тушунчасининг асосий таърифлари

Т/р	Таъриф	Манбаа
1.	КИП - яқин ва узоқ хорижий бозорларда ташқи омилларнинг таъсирини ва ички омилларнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда барқарор савдо ҳажмларини белгиланган рентабеллик даражасини сақлаган ҳолда таъминланишини ҳисобга олувчи, корхонанинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган ташкилий-техник тузилиши, иқтисодий потенциалнинг динамик ўзгарувчан таркибий қисмидир	Волкодавова Е.В. [3]
2.	КИП - ташқи бозорда сотиш мақсадида юқори сифатга эга бўлган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини белгиловчи ишлаб чиқариш, технологик, илмий, меҳнат омиллари мажмуидир	Губин А.М. [4]
3.	КИП - корхонанинг ишлаб чиқарадиган ёки мавжуд маҳсулотларини экспорт қилишнинг потенциал имкониятидир	Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш. [5]
4.	КИП – корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий имкониятлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга сотиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро кооперацион-саноат жараёнларида (тадбирларида) иштирок этишига асосланган имкониятлари мажмуидир	Русаков И.А. [6]
5.	КИП - тадбиркорлик тузилмасининг мавжуд бўлган ресурслар, шунингдек, ўз рақобатбардошлигини таъминлаш ва интернационаллашув жараёнларида иштирок этишда истеъмолчилар талабини қондириш мақсадида улардан самарали фойдаланиш имкониятлари мажмуидир	Савиков О.В. [7]
6.	КИП - рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун мавжуд ресурслар ва имкониятлар, уларни ташқи бозорларда сотиш ва уларга ҳам қисқа ва ҳам узоқ муддатли истиқболда хизмат кўрсатиш мажмуидир	Сычев М.С. [8]
7.	КИП – корхонанинг яратиш ва экспорт учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни ташқи бозорда тарғиб қилиш, фойда билан сотиш ва	Яковлев Г.И. [9]

талаб даражасида хизмат кўрсатишни таъминлаш имкониятлари мажмуидир	
--	--

Ҳар бир ёндашув у ёки бу даражада “корхонанинг иқтисодий потенциали” тушунчасининг айрим жиҳатларини ўзида акс эттиради, аммо корхона маълум иқтисодий муҳитда доимо ўзгариб туриши кераклиги, шунинг учун ҳаммаси корхона ривожланиши омилига боғлиқ бўлиши лозимлигини ёдда тутмоқ лозим. Бизнинг фикримизча, экспорт потенциалнинг замирида ривожланишга йўналтирилган ёндашув ётиши керак.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, корхонанинг экспорт потенциали деганда биз мавжуд ва бўлиши мумкин бўлган ресурслар ва воситаларга асосланувчи, шунингдек, корхонанинг рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ташқи бозорга етказиб бериш имкониятини ҳисобга олувчи корхонанинг иқтисодий потенциалининг динамик таркибий қисмини тушунамиз.

Мамлакатимизда давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати экспортга йўналтирилган тармоқлар салоҳиятини ошириш жараёнида тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноати корхоналари муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармон мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, юқори сифатли тўқимачилик ва тикувтрикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни жаҳон бозорларига илгари суриш бўйича биринчи навбатда чоратадбирлар комплексини белгилаб берди [1].

Ушбу ҳужжат билан тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатини янада ислоҳ қилишнинг бир қатор муҳим йўналишлари белгиланди.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши бевосита пахта хом ашёси ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислохотларнинг натижаси эканини кўриш мумкин. Жумладан, 2020 йилда 1922,2 млн. АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 12,7 %ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18,1 %га ўсди (2жадвал).

Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида пахтадан йигирилган ип (48,9%), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (26,4%) асосий улушни эгаллаган. Йил бошидан 498 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 70 та давлатига экспорт қилинди.

Тўқимачилик маҳсулотларининг энг катта улуши Россия Федерацияси (655,5 млн. АҚШдоллари –34,1 %), Хитой Халқ Республикаси (438,2 млн. АҚШ доллари – 22,8%) ва Қирғизистон Республикаси (283,9 млн. АҚШ доллари – 14,8 %) давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

2жадвал

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси (млн. АҚШ доллари)

Товар номи	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
	1133,6	1300,3	1626,9	1922,2
Пахтадан йигирилган ип	631,3	726,6	926,1	940,7
Тайёр кийимлар ва тикувчилик кийимлари	268,7	289,6	354,8	506,5
Нақшли матолар	50,4	65,5	84,8	144,5
Ипак ва ипак маҳсулотлари	30,9	49,9	71,8	74,9
Пахтадан газламалар	53,8	65,7	69,2	96,8
Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	31,7	36,1	51,9	88,8
Гидамлар	34,4	31,0	32,0	29,2
Пахта маҳсулотлари	24,7	26,8	27,4	30,9
Бошқалар	7,7	9,0	8,8	9,7

Юқоридаги таҳлиллар натижаларига асосан, мамлакатимизда тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблаймиз:

тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатининг иқтисодиётдаги улушини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва тикувтрикотаж маҳсулотларининг ҳажми ва сифатини ошириш;

тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатининг бошқарув тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиялари, ноухау, дизайнерлик ишларини кенг жорий этиш, фурнитура ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноати учун кадрлар таёрлаш, қайта таёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги “Тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт

салоҳиятини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ4186сонли Қарори. // Режим доступа: www.lex.uz

2. WTO. International Statistics. 2019. URL: <http://www.wto.org>

3. Волкодавова Е.В. Теоретические и методологические основы формирования и реализации экспортного потенциала промышленных предприятий: дис. ... д-ра экон. наук. Самара, 2007. 347 с.

4. Губин А.М. Совершенствование внешнеторговой деятельности предприятий машиностроения в условиях либерализации ВЭД: дис. ... канд. экон. наук. М., 2006. 203 с.

5. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. М.: ИНФРА-М, 2012. 512 с.

6. Русаков И.А. Управление развитием экспортного потенциала предприятий машиностроительного комплекса: автореф. дис. ... канд. экон. наук. Саратов, 2012. 28 с.

7. Савиков О.В. Оценка потенциала ВЭД малых и средних предпринимательских структур: дис. ... канд. экон. наук. СПб., 2010. 204 с.

8. Сычев М.С. Развитие методического обеспечения анализа и оценки потенциала предприятия: дис. ... канд. экон. наук. Йошкар-Ола, 2012. 156 с.

9. Яковлев Г. И. Формирование рыночной стратегии предприятия: рыночный аспект. Саратов: Изд-во СГУ, 2010. 435 с.

Б.С. Жалилов

Наманган мухандислик-технология институти

Наманган, Ўзбекистон

jalilovbs75@mail.ru

ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

***Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларини ишлаб чиқариш потенциалига таъсир этувчи омиллари муаллиф томонидан атрофлича таҳлил этилган. Корхоналар молиявий –иқтисодий кўрсаткичларини эконометрик таҳлилида математик аппаратнинг энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилган, ҳамда муаллиф томонидан бир неча логарифмик моделлар ишлаб чиқилган. Корхоналар иш фаолиятини аниқлашда эконометрик таҳлил орқали корхонадаги ишлаб*